

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЕТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кулёзма ҳуқукида
УДК 330.43:681.3.06

Султанова Соня Махмудовна

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИ
ТАДҚИҚОТ ҚИЛИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик
темир йўл компанияси мисолида)

08.00.14 -« Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари» ихтисослиги

Иқтисод фанлари номзоди илмий
даражасини олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент - 2008

Диссертация Тошкент темир йўл мухандислари институтининг «Бухгалтерия
ҳисоби ва аудит» кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Мадамин Ирматович Ирматов

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Баходир Абдусаламович Бегалов

иқтисод фанлари номзоди, доцент
Файзулла Саидакбарович Агзамов

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Ҳимоя Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод
фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича
Д.067.06.01 рақамли Ихтисослашган Кенгашининг 2008 йил «13» июн
соат 9.00 да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2008 йил « 10 » май да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,

иқтисод фанлари доктори, профессор

Б.Б.Беркинов

1. Диссертациянинг умумий тавсифи

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Замонавий автоматлаштирилган тизимлари ва технологиялари хўжалик субъектларининг ҳар ҳил турдаги ишлаб чиқариш фаолиятига тадбиқ этилмоқда. Иқтисодийетни бошқаришда тадбиркорлик фаолиятининг янги шакллари вужудга келиб, замонавий услубларини қўллашни талаб қилмоқда. Ривожланган хорижий мамлакатларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, илмий асосланган бошқарув қарорларини қабул қилишда ва амалиётга тадбиқ этишда замонавий ахборот-коммуникацион технологияларини (АКТ) қўллаш зарур.

Миллий иқтисодийетимизни ривожда ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга тадбиқ этиш во унинг долзарблигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президент И.А.Каримовнинг ташаббуси билан 2002-2010 йилларда компьтерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларни ривожлантириш дастури амалга оширилмоқда. Бу борада «Ахборотлаштириш», «Электрон тижоратлаштириш», «Электрон рақамли имзо» ҳамда 2005 йил 8 июлдаги «Ахборот-коммуникация технологияларни янада ривожлантириш тўғрисидаги» Қарорларида компьютар ва ахборот технологияларнинг илмий ва таълим соҳаларда, миллий иқтисод тармоқларида, бошқарув, бизнесда тадбиқ этиш, аҳолини замонавий технологияларига жалб қилиш жараенида шароитларни яратишдан иборат.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон темир йўл транспортида ўтказилаётган ислохатлар ва тузилмаси қайта кўриб чиқилиши муносабати тармоқда ишлаб чиқариш, технологик ва молиявий жараенларнинг ривожланиши алоҳида долзарбли ва аҳамиятли. Ушбу ўтказилаётган ислохатлар жараенларининг манбаи бухгалтерия ҳисобида замонавий юқори ахборот технологияларни қўллаш энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади ҳамда транспорт хизматлар бозорида рақобатдош хизматларни кўрсатиш имкон яратади.

Бозор иқтисодиети шароитида юқори замонавий технологияларни тадбиқ этиш бошқарув субъект ахборотларни эгаллиги билан бир қаторда ушбу ахборотни қайта ишлаш, тўғри бошқарув ҳулосани чиқарилиши, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширилиши мақсадда имкониятларни яратиш зарур.

Бошқарув тизимида, назорат ишларида ва корхона хўжалик-молиявий фаолиятини таҳлил қилишда бухгалтерия ҳисобининг ахбороти аҳамиятли рўлини ўйнайди. Чунки бухгалтерия ҳисобидаги ахборот ресурслари харажати назорат қилиш юридик ҳужжатлар асосида олиб борилади. Темир йўл транспортида бухгалтерия ҳисобининг интеграциялашган ахборот тизимини ишлаб чиқарилиши ҳисоб самарасини ошириш, тезкорлик ва ҳаққонийлигини, маълумотлар меҳнат талабчанлигини ва бошқарув органларига берилган ҳисоб ахборотларни такомиллаштириш заруриятидан келиб чиқади.

Муммонинг ўрганилганлик даражаси. Ахборот коммуникация технологияларини назарий ва амалий жихатларини тадбиқ этиш масалаларига хорижий қатор етакчи олимлари ўз илмий ишларини бағишланган, улардан

К.С.Лаудон, Ж.Р.Лаудон, Р.М.Стайр, П.Драккер, Д.Белл, Ж.Стиглер, К.Эрроу, Н. Виннер, Дж. Кантер, Ф. Котлер, Р.Д. Льюис, Х. Райф, М.Х. Мескон кабиларни илмий ишларини айтиб ўтиш зарур.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларда ахборот-коммуникация технологияларни қўллаш ва аҳамиятини ўрганиш МДХ давлатларининг бир қатор иқтисодчилар ва мутахассислари: Глухенко В.В., Глухенко И.И., Евланов Л.Г., Ладанов И.Д., Рожнов В.С, Умнова Э.А., Либерман В.Б., Семенов М.И., Трубилин И.Т., Мишенин А.И., Охрименко С.А., Брага В.В., Палий В.Ф., Соколов Я.В., Г.А.Титоренко ўз илмий изланишларни бағишланган. Темир йўл транспортида ахборот тизимлари ва технологияларни қўллаш масалаларини Макаровский Б.Н., Каплан А.Б., Петров А.П., Иванов Л.Н., Петрова Э.В., Рубцов А.А., Ханин В.И., Царев Р.М., Катаев В.П. каби олимлар ўз илмий ишларида кенг ёритилган.

Замонавий юқори ахборот тизимлари ва технологияларини миллий иқтисодиёт тармоқларида назарий ва амалий қўллаш масалаларига ватанимизнинг етакчи олимлари ўз илмий ишларини бағишлаган, улардан Кабулов К.В., Гулямов С.С., Бекмуратов Т.Ф., Алимов Р.Х., Абдугаффаров А.А., Ирматов М.И., Камиллов Ш.М., Ходиев Б.Ю., Убайдуллаев Р.А., Беркинов Б.Б., Шодиев Т.Ш., Бегалов Б.А., Лутфуллаев Х.С., Ульджабаев К.У., Кенжабаев А.Т., Дадабаева Р.А. ва бошқалар. Уларнинг илмий ишларида Ўзбекистон миллий иқтисодиётнинг ахборот хизмат маркетингини ташкил этиш, иқтисодий секторларда ҳисоблаш техникасини ва иқтисодий информатикани қўллаш, автоматлаштирилган бошқарув тизимини ташкил этишдаги муҳим ўрнининг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Бироқ, ушбу тадқиқотларда кейинги йилларда темир йўл транспортида ўтказилаётган ислохатларда замонавий юқори ахборот технологияларни қўллаш ва тадбиқ этиш, улар асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш масалалари тўла ёритилмаган ва долзарб эканлиги аниқланди. Шу боис диссертация мавзуси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши илмий тадқиқот ишлари режасидаги «Тармоқда солиқ-ҳисоб сиесатини барқарор ривожланиш муаммолари (бўлим – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компания (ДАТК) корхоналарида бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришнинг соҳавий хусусиятлари)» мавзуси тариқасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади - темир йўл транспорти ташкилий тузилмасини ислохатлаштириш, замонавий шароитларда бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришнинг назарий ва услубий асосларини тадқиқот қилиш ва бухгалтерия ҳисобини юритиш технологиясини такомиллаштириш асосида бошқарув қарорини қабул қилиш сифатини ва тезкорлигини ошириш.

Тадқиқотнинг асосий вазифалари. Қўйилган мақсадга мувофиқ тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

- темир йўл транспорти корхоналаридаги бухгалтерия ва молиявий ҳисоботлар маълумотлари асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш моҳияти ва хусусиятларини ёритиш;

- транспорт тизимини ишлатиш ишончилигини ошириш мақсадида интеграциялашган бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизимини автоматлаштириш йўналишлари, амалий дастурларни ва шакллари таҳлил қилиш;

- «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг (ДАТК) асосий иқтисодий ва молиявий фаолияти кўрсаткичларнинг динамикасини ўрганиш ва тадқиқ қилиш;

- темир йўл транспортида бухгалтерия хизматлар ишини оптималлаштириш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг интеграциялашган ахборот тизимини қўллаш услубиятини такомиллаштириш;

- бошқарув қарорини қабул қилишда бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизимини кўпмезонли таъсирини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг предмети темир йўл транспорти корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг интеграциялашган ахборот тизимларини такомиллаштириш, тадбиқ этиш ва самарали фойдаланиш жараёнлари.

Тадқиқотнинг объекти «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тузилмавий корхоналарининг молия ва бухгалтерия ҳисоби бўлимлари.

Тадқиқот усуллари. Илмий ишда тизимли ёндашув, монографик, мавҳум-мантикий, статистик таҳлил, статистик-иқтисодий, истиқболлаш усуллари ва иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари бўлиб, республикамиз темир йўл транспортида ўтказилаётган ислохотлар бўйича истиқболни белгилаш юзасидан ватанимиз ва хорижий мамлакатлар етакчи олимлари олиб борган илмий ишлар хизмат қилади. Диссертация ишида ва бошқа қилинган хулоса ва тавсияларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК 1997-2006 йилларидаги тезкор маълумотлар ва ҳисоботлар ахборотларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий жиҳатлар:

- бухгалтерия ҳисобининг электрон кўринишдаги шакллари тайерлашни тадбиқ этиш ва технология услубияти;

- бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизимларини ишлатилиш ва фойдаланишдаги иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш усуллари;

- бошқарув қарорини қабул қилишга таъсир этувчи бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини тадбиқ этиш кўпмезонли баҳолаш услубияти;

- бухгалтерия ҳисобининг бошланғич маълумотларни қайта ишлаш жараенини ягона тизимига бирлаштириш учун «Йиғма ҳисобот» ахборот тизимини қўллаш.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари темир йўл транспорти корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган ахборот тизимларини ишлатилишини тадқиқ қилиш, ёндашувларини, тамойилларини ва услубиятини такомиллаштиришдан иборат, жумладан:

- бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизимларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва тенденциялари, уларнинг темир йўл транспорти корхонаи самарали бошқаришдаги таъсири аниқланди;

- жамланган бухгалтерия ҳисоботни тайёрлаш учун самарали лойиҳани тадбиқ

этиш йўналишлари ва услубий ёндашувлар тавсия этилган;

- бухгалтерия ҳисоботининг электрон шакллари тайёрлаш учун тадбиқ этиш ва технология услубияти ишлаб чиқилди;

- корхонанинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини мажмуавий баҳолашни лойихалаш, яратиш ва самарали фойдаланиш юзасидан амалий тавсиялар;

- бошқарув қарорини қабул қилишга таъсир этувчи бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини тадбиқ этиш кўпмезонли баҳолаш услубияти яратилди;

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда ишлаб чиқилган тавсиялардан темир йўл транспорти ва бошқа ҳужалик шакларидаги корхоналарда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш жараёнлар самарасини ошириш кабиларга дахлдор бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг асосий натижалари «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК молия ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси амалий фаолиятида қўлланилаётганлиги (19.02.2002 й. далолатнома), улардан шунингдек, «Ўзтемирйўлконтейнер» ОАЖ 2.11.2006 й. ва «Ўзтемирйўлҳисоб» марказида 5.12.2006 йилда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётганлиги тўғрисида ҳужжатлар мавжуд. Тошкент темир йўл муҳандислари институти ўқув фаолиятида «Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш», «Темир йўл транспортида молиявий ҳисобларни автоматлаштириш» ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК Молия ва бухгалтерия ҳисоби бошқармасининг бухгалтер ва иқтисодчилар малакасини ошириш курсларда, диссертация тадқиқотнинг алоҳида қисмлари ўқув қўлланмаларида ёритилган.

Ишнинг синовдан ўтказилиши. Диссертациянинг асосий мазмуни Тошкент темир йўл муҳандислари институти «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» ва «Иқтисодиёт ва менежмент» кафедраларининг кенгайтирилган мажлисида; Тошкент Молия институти «Информацион технологиялар» ва «Бухгалтерия ҳисоби» кафедраларининг кенгайтирилган илмий мажлисида ва Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети қошидаги Д 067.06.01 ихтисослашган Илмий Кенгашининг 08.00.14 – «Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари» ихтисослиги бўйича муаммовий илмий кенгаши мажлисларида муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

Нашр қилиниши. Диссертациянинг асосий мазмуни умумий ҳажми 2,1 б.т. бўлган 11та илмий мақола ва тезисларда ўз ифодасини топган бўлиб, улардан 2 таси журнал мақолаларидир. Бундан ташқари, муаллиф томонидан 15та ўқув-услубий ишланма тайёрланган ва улардан ўқув жараёнида кенг фойдаланиб келмоқда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 151 бетни ташкил этади.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, унинг ўрганилиш

даражаси, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий янгиликлари ва амалий аҳамияти баён этилган.

Биринчи боб ««Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКда бухгалтерия ҳисоби ахборот тизимларининг замонавий ҳолати таҳлили» деб номланган бўлиб, унда темир йўл компаниянинг тузилмавий корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб сиёсатини юритиш хусусиятлари, ислоҳатлаштириш шароитларида бухгалтерия ва молиявий ҳисобининг бугунги ҳолати баён этилган.

«Бухгалтерия ҳисобининг интеграциялашган ахборот тизимини ташкил этиш жараёнларини такомиллаштириш» номли **иккинчи бобда** «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКдаги бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизимларини ташкил этиш услубий жиҳатлари, унинг асосида бошқарув моделини тузиш услубияти баён этилган.

«Бухгалтерия ҳисобининг интеграциялашган ахборот тизимларидан фойдаланиш самарадорлиги» номли **учинчи бобда** «Йиғма ҳисобот» бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизимини тадбиқ этиш услубияти, унинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ҳисобланди ва келажакдаги молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун тезкор модели ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг якуний қисмида тадқиқот иши юзасидан асосий хулосалар ва тавсияномалар баён этилган.

Диссертациянинг асосий мазмуни

“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизимларининг замонавий ҳолати таҳлили

Замонавий бозор муносабатларига ўтиш босқичи шароитида тармоқдаги хўжалик фаолиятини ташкил этилиши катта ўзгаришлар билан тавсифланади. Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти бошқарувини ташкил этишнинг янги тизимлари пайдо бўлди, бу эса ҳозирги кунда “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТКда намоён бўлди.

Тармоқни ислоҳ қилиш босқичида молия ва бухгалтерия ҳисобини бошқаришнинг асосий вазифаси бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштиришдир. Ушбу масаланинг ечими бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисобининг интеграциялашган тизимини (БХИТ) яратишдан иборат. Бу эса ўз навбатида ҳисоб ахборотларини жамлашни такомиллаштириш ва унинг тезкор таҳлили учун манбани таъминлайди. Ушбу тизимни ташкил этишда транспорт ишлаб чиқариш ва бухгалтерия ҳисобининг бир қатор тармоқ хусусиятларини ҳисобга олиш зарур:


- ташиш жараёни билан боғлиқ хизматларни бошқаришда марказлаштиришнинг юқори даражаси;
- тармоқ молиявий ресурсларини ташкил этиш тизими темир йўл транспорти компаниясининг бошқарма даражасида қопланади;
- бажарилган ташишлар бўйича олинган пул маблағлари тармоқ ичида тақсимланиши зарурияти;
- юридик шахс мақомига эга бўлмаган компаниянинг тузилмавий бўлинмаларининг ўзаро молиявий муносабатлари;
- ўзини ўзи молиялаш ва қоплаш тамойиллари асосида компания молияларини ташкил этиш;
- компания таркибий бўлинмаларининг географик ҳудудида жойланиши 3.8 минг.км. ортиқ масофага тарқалганлиги.

Компьютерлашган бухгалтерия ҳисобисиз компания фаолиятини бошқаришни автоматлаштириб бўлмайди. Буларни амалиётга тадбиқ этишда қуйидагилар бўлиши шарт:

- катта ҳажмдаги талабчан ва бир турдаги ишларнинг мавжудлиги;
- бухгалтерия масалалари мантикий ва арифметик операцияларга нисбатан ечилади;
- бухгалтерия ҳисоби аниқ элементли фан сифатида мавжуд. Бу эса ҳар хил турдаги ягона унификациялашган манбани барпо этади;
- ташқи таъминотчиларга бухгалтерия ўзининг ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этади;
- ШК қийматининг тизимли камайиши назарда тутилганлиги туфайли, уларнинг бухгалтерия ҳисобида кенг фойдаланилганлиги самарали ҳисобланади.

Йирик корхоналарда ҳисоб ахборотини қайта ишлаб чиқиш БХИТ ёрдамида уч даражадаги, яъни бирламчи, бошқарув ва молиявий ҳисоб ёрдамида ишлаб чиқилади.

Йирик корхонада БХИТ ҳисоб даражалари бўйича автоматлаштирилган иш жойларни (АИЖ) тақсимланиши ва ўзаро боғлиқлиги чизмаси



1 расм.

Манба: муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган

Ҳар бир даражада ҳисоб ахборотини йиғиш, расмийлаштириш ва ишлаб чиқиш услубига мувофиқ ҳолда иқтисодчилар, бухгалтер ва молиячилар, ҳамда таҳлилчиларнинг ўзаро фаолияти автоматлаштирилган иш жойлари (АИЖ) яратилади. Ҳар хил турдаги мутахассисларнинг иш жойларида бевосита ишлаб чиқиш қоғоз ишларини минималлаштириши фойдаланилаётган ахборотларни ишончилигини ва тўлиқлигини таъминлайди.

АИЖ функционал участкалар бўйича ташкил этилган, улардан ҳар бири бирламчи ҳисоблар билан боғлиқ ёки бухгалтерия ҳисобининг объектлари бўйича хўжалик операцияларни узлуксиз расмийлаштириш ва ишлаб чиқиш,

шунингдек режалаштириш ва таҳлил қилиш, ҳисоботларни тузиш, ҳамда ички аудит ишларини амалга оширилади.

Замонавий шароитда бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш долзарб ва мураккаб масалалардан биридир, бизнес эволюциясини ривожлантиришда ахборот ҳажмини ошиши, бошқарув қарорларини қабул қилишда уларни таҳлилидир.

БХИТ имкониятларини келгусидаги ривож ҳисоб ахборотларни аналитик қайта ишлаб чиқиш зарур. Кенг қўлланилган иқтисодий-математик ва математик статистик усуллари қаттиқ рақобат шароитларида молиявий аналитик дастурларни вужудга келиши ва корхона фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолати таҳлил қилишга имкон яратади.

Бундай БХИТдан фойдаланиш натижасида объектив маълумотлар шаклланади, булар эса ўз навбатида раҳбарларнинг қарор қабул қилишида кенг қўлланилади. Ушбу қарорлар молиявий мувозанатни сақлашга, бозор шароитида фойда ва рентабелликни ошириш, тижорат фаолиятининг самарали танловига таъсир қилади.

Бухгалтерия ҳисоби интеграциялашган ахборот тизимлар ташкил этиш жараёнларини такомиллаштириш

Ахборот-коммуникацион технология базасига асосланган БХИТда ҳисоб-аналитик ахборотларни ишлаб чиқишда ўзининг хусусиятлари ва спецификасига эга, бу эса ҳисобнинг автоматлаштирилган услубиятини ривожлантирида ўз аксини топади. Аниқ ҳисоб шаклларига замонавий ёндашув, шунингдек автоматлаштирилган, тарихан таркиб топган анъанавий усуллари чегарасидан чиқиб кетмоқда. Шаклни аниқлаш янги унсурларини қўшиш керак, яъни механик созлаш, сервис воситалари ва дастурлаш воситалари, бу эса ўз навбатида электрон тарзида ишлаб чиқиш шароитида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш хусусиятига мувофиқ ҳолдир.


Тадқиқот шуни кўрсатдики, илмий асосланган бошқарув қарорларини таъминлаш учун, бухгалтерия ҳисобининг юқори сифатли кўрсаткичлари, дастурий усуллари ва шакллари, уларни ташкил этишда рационал тамойиллари мавжуд бўлишлари зарур.

Корхонанинг иқтисодий механизмини функциолаштириш жараёнида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва молиявий назоратнинг узвий ўзаро боғлиқлигининг мақсадлилиги аниқланади. Бундай тизим қарор қабул қилувчи ходимларнинг ва хўжалик фаолият ўзаро боғланишига хизмат қилади. (чизма 2)

Бухгалтерия ҳисоби ахбороти корхонада уни тайёрлашда иштирок этганларга, корхонадан ташқарида фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши учун аниқ талабларга жавоб бериши зарур:

- биринчидан, бухгалтерия маълумотлари таққослаш ва доимийлик талабларини қондириши лозим, яъни ҳисоб даврида бухгалтерия ҳисобининг ҳар хил турдаги шакллари ва усулларидан фойдаланиб бўлмайди;
- иккинчидан, бухгалтерия маълумотлари аниқ ва аҳамиятли бўлиши зарур. Вақтни беҳуда аҳамиятсиз омилларни ҳисобига кетказиш керак эмас, яъни агар ҳисобга олинаётган маблағлар қиймати солиштирма бўлса, у ҳолда ҳисобни соддалаштириш зарур;
- учинчидан, бухгалтерия ҳисоби консерватив бўлиши керак, чунки, бухгалтерия ҳисобида акс эттирувчи хўжалик фаолият ҳодисалари ҳар доим бир хил эмас;
- тўртинчидан бухгалтерия маълумотлари тўлиқ бўлиши зарур, унда фойдаланувчи учун етарли даражада маълумот бўлиши керак.

БҲИТ фойдаланиш шароитда корхонани бошқариш умумлаштирувчи чизмаси




2 чизма.

Манба: муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган

Хужжатларни яратиш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш вақт ва кенгликка ажратилган. Корхонанинг интеграциялашган ахборот тизимининг функционал тузилмаси функционал тизимлар остида йиғиндисидан ташкил топган.

Корхонада интеграциялашган ахборот тизимларининг функционал тизимчалар таркиби



3 чизма.

Манба: муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган

Ҳаражатларга таъсир этувчи асосий натижавий омил бўлиб, маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ҳажми ҳисобланади. Айнан у омилларни ажратиб у орқали ўзгариб турадиган иш шароитларида тезкор таъсир этишига имкон яратади.

Мисол тариқасида, бир омилли моделни ҳисоблаш учун темир йул транспорти келтирилган маҳсулот кўрсаткичи ҳажмига таъсир этувчи омил белгиларни кўриб чиқамиз. Функционал боғланиш қуйидаги аналитик кўринишда намоён бўлиши мумкин:

$$Y = 0,0101 * X + 5213,3 \quad (1)$$

Кўп ҳадли регрессия тенгламани ечиш учун икки мультиколлинеар омиллардан айнан натижавий белгиси энг кўп ишлатилади. Асосий кўрсаткич бўлиб – бу ташишдан тушган даромад ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар натижалари 1 жадвалда ҳар бир натижавий белги учун аналитик тенгламаси келтирилган.

Функционал боғланишлар турларини танлаш*

кўрсаткичлар	Боғланиш турлари	Корреляция коэффициенти	F миқдори	Аппроксимация хатоси	Ўзаро боғланган моделларнинг тенгламаси
1.Келтирилган маҳсулот ҳажми, млн кел. тн-км	логарифмик	0,325	0,24	7,86	$Y = 34730 + 408,1 \cdot \ln(x_1) - 581,5 \cdot \ln(x_2) - 1280 \cdot \ln(x_3)$
2.Асосий фаолияти бўйича даромадлар, млрд. сум	даражали	0,995	0,21	10,55	$Y = 1,909 \cdot X_1^{0,588} \cdot X_2^{0,0485} \cdot X_3^{0,0851} \cdot X_4^{0,4183}$
3.Асосий фаолият бўйича харажатлар, млрд. сум	даражали	0,125	0,33	0,35	$Y = 1,86 \cdot X_1^{0,682} \cdot X_2^{-0,012} \cdot X_3^{0,024} \cdot X_4^{0,317}$
4.Асосий фаолият бўйича фойда (зарар), млрд. сум	Чизиқли	0,17	0,62	3,4	$Y = 45,41 + 0,951 \cdot X_1 + 0,04253 \cdot X_2^0 + 0,9822 \cdot X_3$
5.Келтирилган маҳсулот ҳажми, млн кел. тн-км (барча омилларни ҳисобга олган ҳолда)	гиперболли	0,994	0,15	0,83	$Y = 28060 - \frac{0,4796 \cdot 10^{-3}}{X_1} + \frac{0,1848 \cdot 10^{-3}}{X_2} + \frac{0,2927 \cdot 10^{-5}}{X_3} - \frac{0,1085 \cdot 10^{-5}}{X_5} - \frac{0,1442 \cdot 10^{-3}}{X_6} - \frac{0,7897 \cdot 10^{-3}}{X_7}$

* Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида ҳисоблаб чиқилган

Ташишдан тушган даромадларни аналитик боғланишни аниқлаш учун сифатли ва математик-статистик таҳлил ўтказилди, унда қуйидаги омиллар ҳисобга олинди:

- темир йўл транспорти келтирилган маҳсулот ҳажми;
- юк ва йўловчилар ташишдан олинган даромадлар;
- ўртача даромадлилик ставкаси 10 т-км ва 10 йўловчи-км учун;
- ёрдамчи-кўмакчи фаолият бўйича харажатлар;
- бир ташишнинг ўртача таннари, 10 тн-кмга ва 10 йўловчи-км тегишли ўртача таннари.

Ҳар бир молиявий кўрсаткич бўйича омилларни ҳисобга олган ҳолда тенгламалар модели тузилган. Мазкур тенгламалар асосида ДАТК “Ўзбекистон темир йўллари” фаолиятининг 2007-2010 йилларга асосий иқтисодий ва молиявий башорат кўрсаткичлари ҳисобланди (2 жадвал).

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, 2007 йилдан 2010 йиллар учун ДАТК “Ўзбекистон темир йўллари” томонидан ташилган юклар ҳажми 9,1 %га, даромадлар 61,9%га, харажатлар эса 73,5%на ўсиши аниқланди. Таҳлил ҳисоб-китобларига кўра фойда миқдори 37,2%га кўпайиши кўзда тутилган.

2 жадвал

Корреляцион моделида ҳисобланган башорат кўрсаткичлари*

йиллар	Келтирилган махсулот ҳажми, млн келт. тн-км.	Асосий фаолият бўйича даромадлари, млрд.сум	Асосий фаолият бўйича харажатлари, млрд.сум	Асосий фаолият бўйича тушумлар (зарар), млрд.сум
2007	21648,36	701757,7	474711,73	227045,97
2008	23521,47	707718,9	479949,34	227769,56
2009	23882,5	713889,1	485473,47	228415,63
2010	24254,06	1325628,6	1102325,5	223303,1

* Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида ҳисоблаб чиқилган

Тузилмавий корхона тариқасида БҲИТнинг моделлаштирилиши бизга компаниянинг барча корхоналар учун намунавий лойиҳани ишлаб чиқиш учун ахборотларнинг зарурий миқдорини олиш имконияти яратилди, шу жумладан:

- БҲИТ тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар аниқланди ва муйаян кўринишда ташкил этилди;
- бухгалтерия ҳисобидаги ҳақиқий маълумотлар оқимлари аниқланди;
- интеграциялашган бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизимининг молиявий кўрсаткичлар модели тузилди.

Бухгалтерия ҳисоби интеграциялашган ахборот тизимларидан фойдаланиш самарадорлиги

Бухгалтерия ҳисобининг интеграциялаш тизими тариқасида бирламчи хўжалик операцияларни қайд қилиш автоматлаштирилиши меҳнат сарфини камайтириш ва маълумотларни ҳаққонийлигини оширишга имкон яратади. Ўз навбатида, тизимида қўлланган ички назорат ҳатоларни камайтиришга, маълумотлар ишончлиги ва аниқлиги даражасини оширишга олиб келади.

Қўйилган масалани ечиш учун бухгалтерия ҳисобининг интеграциялашган “Йиғма ҳисобот” тизими ишлаб чиқилган. Тизимини яратишда биз марказлашган холда тузиш вариантини танладик, чунки коғоз шаклида маълумотлар ҳажми айланмани максимал камайтириш мақсадида ягона

тизимидаги бошланғич бухгалтерия маълумотларни қайта ишлаш барча ҳисобларни ягона тизимга бирлаштириш .

Тадқиқот натижалари асосида БҲИТнинг қуйидаги афзалликлари аниқланди (3 жадвал).

Тизим қуйидаги асосланган тамойиллар асосида фойдаланувчилар ўртасида алмашуви билан таъминлайди:

- хужжатларни электрон кўринишда алмашувини тадбиқ этиш, ташиш, кузатиловчи ва бошқа хужжатларни расмийлаштиришни автоматлаштириш;
- бирламчи хужжатлардан ахборотларни бир мароталик йиғиш, қайта ишланган ахборотларни сақлаш ишончилигини, ҳар хил турдаги масалаларни ечишда тизимидаги ахборотлардан кўп маротаба фойдаланиш;
- маълумотларни минимал ҳажмида киритиш, етишмаётган маълумотларни автоматлаштирилган тарзда меёрий-маълумотли манбалардан олиш;
- ахборотни юқори даражали ҳаққонийлиги;
- реал вақтида маълумотларни олиш ва қайта ишлаш, бирламчи хужжатларни қайта ишлаш тезлигини ошириш;
- ташиш жараёнидаги қатнашувчиларини, юк эгаларини ахборот хизматини такомиллаштириш;
- марказлашган таснифгичлардан фойдаланиб ягона меёрий базани яратиш;
- тижорат ишларини автоматлаштириш учун компаниядаги қўлланилаётган бошқарув тизимининг чизиқли даражанинг функционал имкониятларни кенгайтириш.

3 жадвал

Бухгалтерия ҳисоби ахборот тизимларини фойдаланиши*

БҲИТ афзалликлари	БҲИТ хоссалари ҳисобига эришилган афзалликлар
1.БҲИТ фойдаланувчилар учун	
1.1.БҲИТ рва талаблар ўзгариши натижасида инвестицияларнинг сақлаб қолиниши	Кнгайтирилиши, алоҳида муйаян иловаларнинг алмашуви, миқёслиги
1.2. Бошқа тизимлардаги ахборот ресурсларидан фойдланиши	интеграциялаш
1.3. Одам-машина интерфейсининг дўстлиийлиги, БҲИТ бошқа версияларга ўтказишда ходимларни ўқитиш харажатларини камайтирилиши	Фойдаланувчиларнинг етиб бориши
1.4. Битта техник ва дастурий воситаларни етказувчи алоқадорлигидан бўшатилганлик	Иловаларнинг етиб бориши
2.БҲИТ лойиҳалувчилар ва тизимий интеграторлар учун	
2.1. Ҳар хил амалий платформаларни қўллаш имконияти	Иловаларнинг етиб бориши
2.2. Тайер иловаларнинг қайта фойдаланиши	Иловаларнинг етиб бориши

2.3. Мавжуд ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконияти	Интеграциялашга имкон яратиш
2.4. “мерос тизимлари” муммони ечимини енгиллаштириш	Интеграциялашга имкон яратиш
2.5. БХИТ лойиҳалаштириш ва таҳлил воситаларининг замонавий технологияларни қўллаш	Амалий поатформалар ўртасида иловаларни ташиш
3. Амалий дастурчилар учун	
3.1. Амалий дастурий мажмуаларнинг модули ташкил этилиши	
3.2. Стандартлашган дастурий интерфейсларни қўллаш	
3.3. Амалий дастурлар технологиялари унсурлари имкониятларини қўллаш	
3.4. Меҳнатнинг ажралиш янги имкониятларини қўллаш	
4. Техник ва дастурий воситаларни етказиб берувчилар учун	
4.1. Янги аппарат платформаларга амалий ва тизилмавий воситаларни ўтказиш харажатларни камайтириш	Дастурларни ўтказилиши
4.2. Ишлаб чиқараетган дастурий маҳсулотларни бошқа маҳсулотлар билан интеграциялаш имкониятлари	Интеграциялашга имкон яратиш
4.3. Ишлаб чиқарилаётган аппарат-дастурий платформаларнинг сотиш бозорларини ва қўллаш соҳаларни кенгайтириш имкониятлари	

* Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида ҳисоблаб чиқилган

Бухгалтерия ҳисобининг интеграциялашган ахборот тизимини фойдаланишни иқтисодий самарадорликни ҳисобланиши бухгалтерия ҳисоби ва молия бўлими бажарган ишини оптималлаштиришга асосланади. Асосий назарда тутилган мақсаддан ташқари, тизимини тадбиқ этиш натижасида қуйидагилар ҳисобига жорий харажатлар камаяди:

- лавозимлар бўшатилиши;
- стандартлашган операцияларини бажариш вақти камайтилиши;
- электроэнергия харажатлари камайтилиши;
- канцелярия асбобларни харид қилиш харажатлари камайтилиши.

Иш ҳақиға йиллик харажатлар камайтилиши қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\Delta Z_{3/n} = (n * 3) * 12; \quad (2)$$

бунда: n - бўшатишган ходимлар сони;

З - уларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари.

$$\Delta Z_{3/n} = (5 \cdot 120000) \cdot 12 \text{ қ } 7200000 \text{ сум} \quad (3)$$

Бир йилга бўлим ишлаши учун муйаян миқдорда канцелярия асбоблари белгиланади. Жорий йил маълумотлари бўйича бу кўрсаткич 380000 минг сумни ташкил қилди.

Ушбу харажатларининг камайиши қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\Delta Z_{p.m.} = 0,7 \cdot S_{kl}; \quad (4)$$

бунда: S_{kl} - канцелярия харажатларининг йиллик суммаси;

$$\Delta Z_{p.m.} = 0,7 \cdot S_{kl} \text{ қ } 266000 \text{ сум} \quad (5)$$

Электроэнергия ортиқча харажати қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$E_{200} = N_{pc} \cdot T, \quad (6)$$

Бунда T - фойдаланувчи йил давомида меёрдан ортиқ ишлаган соатлар. Бухгалтерия ва статистик маълумотларга кўра ушбу кўрсаткич ўтган йил учун 1321 соатни ташкил қилди.

$$E_{200} = 350 \cdot 1321 \text{ қ } 462350 \text{ Вт.} \quad (7)$$

Агар бўлим ходимлари ўз ишини иш вақтида қилишса, унда электроэнергия тежами натижасида харажатлар камайиши:

$$\Delta Z_{\text{ээ.}} = E_{200} \cdot C_{\text{кв}}, \quad (8)$$

бунда $C_{\text{кв}}$ - 1 квт-соат электроэнергиянинг нархи.

$$\Delta Z_{\text{ээ.}} = 462350 \cdot 37 \cdot 10^{-3} \text{ қ } 17107 \text{ сум} \quad (9)$$

Жами тадбиқ этилаётган молиявий ҳисоб тизими йил мобайнида харажатлар камайиши суммаси:

$$\Delta I_{\Sigma} = \Delta Z_{3/n} + \Delta Z_{p.m.} + \Delta Z_{\text{ээ.}} \quad (10)$$

$$\Delta I_{\Sigma} = 7200000 + 266000 + 17107 \text{ қ } 7483107 \text{ сум} \quad (11)$$

бунда: ΔI_{Σ} - умумий камайиш харажатлар суммаси;

$\Delta Z_{\text{ээ.}}$ – электроэнергия тежаш эвазига камайиш суммаси;

$\Delta Z_{p.m.}$ - девонхона материаларини камайиш харажатлари.

Тизимини ишлаб чиқиш вақти 6 ойга белгиланди. T_p қ 1000 соат яъни 6 ой.

Шундай қилиб, янги тизимини тадбиқ этиш учун дастурчиларнинг иш ҳақи харажатлари қуйидагича:

$$Z_{\text{прог}} = Z_{3/n} \cdot 18 \text{ қ } 250000 \cdot 18 \text{ қ } 4500000 \text{ сум} \quad (12)$$

Дастурий пакети Delphi Client|Server Suite 4.0. бозор нархида

$$C_{\text{Delphi}} = 250000 \text{ сум}$$

Жами бир йўла капитал қўйилмалар суммаси:

$$K = C_{\text{сбд}} + C_{\text{ск}} + C_{\text{ос}} + C_{\text{пс}} + Z_{\text{прог}} + C_{\text{Delphi}}, \quad (13)$$

бунда: $C_{\text{сбд}}$ -- маълумотлар база сервернинг қиймати;

$C_{\text{ск}}$ – тармоқ картанинг баҳоси;

$C_{\text{пс}}$ – сервернинг дастурий таъминот баҳоси;

$C_{\text{ос}}$ – офис пакети баҳоси.

$$K = 1200000 + 18500 + 175000 + 140000 + 4500000 + 250000 \text{ қ } 6283500 \text{ сум}$$

Янги БХИТ яратиш йиллик самарадорлик кўрсаткичи:

$$\Theta_r = \Delta Z / (E_n + K_p), \quad (14)$$

бунда: ΔZ – ахборот тизимини яратиш ва хизмат кўрсатиш харажатларнинг ўзгариши $\Delta Z = \Delta I_{\Sigma} - K(E_n + K_p),$ (15)

ΔI_{Σ} - бўлим ишини харажатларининг мутлоқ ўзгариши;

E_n – капитал қўйилмаларнинг меёрий коэффиценти компьютер техникаси ва дастурий таъминоти учун 0,15 миқдорида олинади.

K_p – реновация коэффиценти амортизация меёри сифатида асбобни хизмат муддати ҳисобга олган ҳолда қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_p = E_n / (1 + E_n)^{T_{сл}} - 1, \quad K_p = 0,15 / (1 + 0,15)^3 - 1 \approx 0,29; \quad (16)$$

Харажатлар миқдори ўзгариши натижасида:

$$\Delta Z = 7483107 - 6283500 * (0,15 + 0,29) \approx 4718367 \text{ сум}$$

Шундай қилиб, йиллик самарадорлик кўрсаткичи:

$$\Theta_r = 4718367 / (0,15 + 0,29) \approx 10723561,4 \text{ сум}$$

Йиллик харажатларни тежашни t – йил бўйича ҳисоблаш капитал харажатларнинг ўзини қоплаш муддати (T_p) аниқланади:

$$T_{ок} = K / \Theta_r \quad \text{яъни} \quad T_{ок} = 6283500 / 10723561,4 \approx 0,6 \text{ йил}$$

4 жадвал

Бухгалтерия ҳисоби интеграциялашган ахборот тизимларидан
фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун ҳисоблар*

Харажатлар моддаларнинг номланиши	Ҳисоблаш формуласи	Сумма, минг сум	Жамига нисбатан, %	Мутлоқ ўзгариши
Иш ҳақиға йиллик харажатлар камайиши	$\Delta Z_{з/п} = (n * 3) * 12$	7200,0	96,2	
Канцелярия материаларига йиллик харажатлар камайиши	$\Delta Z_{р.м.} = 0,7 * S_{kl}$	266,0	3,5	
Электрэнергия йиллик харажатларини камайиши	$\Delta Z_{ээ.} = E_{год} * \Pi_{кв}$	17,1	0,3	
жами	$\Delta I_{\Sigma} = \Delta Z_{з/п} + \Delta Z_{р.м.} + \Delta Z_{ээ.}$	7483,1	100,0	
Тизимини яратиш бир йўла капитал қўйилмалар	$K = \Pi_{сбд} + \Pi_{ск} + \Pi_{ос} + \Pi_{пс} + Z_{прог} + \Pi_{Delphi}$	6283,5		
Харажатларининг ўзгариши	$\Delta Z = \Delta I_{\Sigma} - K$			+4718,4
Йиллик самарадорлиги	$\Theta_r = \Delta Z / (E_n + K_p),$			+10723,6

* Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида ҳисоблаб чиқилган

Тавсия қилинган услубий ва амалий таклифлари ва тавсияномалари амалиётга тадбиқ этилиши компания бошқармасининг кўп даражали бошқариш тизими масалаларини ечимлари, ҳамда тезкорлиги, маълумотлар қайта ишлаш вақти ва бошқарув қарорини қабул қилиниши анчага ошади.

3. Хулоса ва тавсияномалар

Темир йўл транспортида ҳозирги пайтда ўтказилаётган ислохатлар босқичида бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштириш борасида бухгалтерия ҳисобини ва молияни бошқариш асосий масаласи ҳисобланади, уни ечиш учун бизнинг фикримизча бухгалтерия ҳисобининг интеграциялашган ахборот тизими қўлланиши лозим. Ушбу тизимини яратилиши транспорт ишлаб чиқариш жараенининг қатор тармоқли хусусиятларини ҳисобга олиниши талаб қилади. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларни қўллаш юзасидан ўтказилган тадқиқот натижалари асосида амалий хулоса ва тавсияномалар ишлаб чиқилди. Уларнинг моҳияти асосан қуйидагилардан иборат:

1. Компаниянинг самаралий бошқаришига ўз вақтида ва юқори даражали ахборот-аналитик маълумотларига асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиниши таъсир қилади. Ушбу даражага эришиш учун ахборотларни қабул қилиниши муайян талабларга жавоб берилиши зарур, шу жумладан ўз вақтида олиш, тўлиқлик, ҳаққонийлик, аниқлик, фойдалилик ва мақсадлик. Шу мақсадда тадбиқ этилаётган интеграциялашган ахборот тизими доирасида бошланғич хўжалик операцияларни автоматлаштириши кўзда тутилган.

2. Ахборот оқимлари сифатини оптималлаштириш муаммосини ечиш учун ҳисоб ва режалаштириш автоматлаштириш глобал тизими ягона дастурий маҳсулотни фойдаланишни тақозо этади.: тизим системали ва ўз вақтида корхонанинг хўжалик фаолиятини таҳлили ва унинг асосида тезкор самарали бошқарув қарорини қабул қилиш имкониятини яратади.

3. Темир йўл балансини ликвидлигини қўллаб-қувватлаш ва тезкор қарорларини қабул қилиш заруриятидан келиб чиққан ҳолда биз таклиф этилаётган янги ахборот бошқарув тизимининг тадбиқ этилиши молиявий ресурсларини, моддий оқимларини бошқариш ва эксплуатацион харажатларини самарали фойдаланишга мақсадга мувофиқдир. Тадбиқ этилган «Жамланган ҳисобот» ахборот тизимида электрон кўринишда темир йўл транспорт тузилмавий корхоналари учун молиявий ва бошқарув ҳисобининг шакллари ва ҳисоблаш алгоритмлари келтирилган.

4. Бошқарув ҳисобининг энг аҳамиятли функцияларидан – харажатлар ҳисобидир. Харажатларни бошқариш жараёнини ривожланиш йўналишини тўғри танлаш учун қуйидагиларни аниқлаш лозим: ушбу масалага қайси функциялар юкланди ва уларни амалга ошириш тенденциялари. Ўтказилган тадқиот натижалари шуни кўрсатдики, компанияда ҳозирги пайтда фақат қисман назорат функцияси амалга оширилган, яъни ҳақиқий харажатлар ўтган давр харажатлари билан таққсланади. Бироқ, тармоқдаги ишлаб-чиқариш ва молиявий жараёнларнинг ҳар томонлама баҳолаш учун йиқилган маълумотлар қониқарли эмас. Харажатлар даражадан ташқари корхона бажарилган ишини ҳажмини ва сифатини таҳлил қилиш зарур. Шунинг учун бухгалтерия ҳисобининг интеграциялашган ахборот тизимига бизнингча қуйидаги қўшимча

маълумотларни киритиш зарур: ҳажм кўрсаткичларини ва улар асосида ҳисобланган таннарх кўрсткичини ҳар бир иш тури бўйича; иш сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар – локомотивларнинг унумдорлигини, ҳаракатланувчи таркибларнинг ишдан рад қилиниши, ишчиларнинг сони ва меҳнат унумдорлиги; асосий моддий заҳираларнинг ҳажми ва уларнинг харид нархлари динамикаси.

5. Ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТКдаги БХИТ самаравий тадбиқ этиш масаласидан бири - ички назорат тизимининг мавжуд эмаслиги, муйаян ходимларнинг мутахассислиги ва новиждонлиги ҳамда тузилмавий корхоналарнинг янги тизимини қабул қилишига тайр эмаслиги.

6. БХИТни тадбиқ этилиши бошқарувнинг кўпдаражали тизимини яратишни, бошқарув қарорларини тезкорлигини ва ўқ вақтида қабул қилишни имкон беради. Ушбу функцияларни амалга ошириш учун «Жамланган ҳисобот» дастурий модули ишлаб чиқилган. Унинг қўллаш мақсади темир йўл транспорти корхоналарида бухгалтерия ҳисоботининг жамланган шаклларини ва бошқарув ҳисобининг кўрсаткичлари ҳисоблаш. Тавсия қилинган тизимини яратиш мақсади молия ва бухгалтерия ҳисоби бўлимлари ишини оптималлаштириш.

7. Тадбиқ этилаётган молиявий ҳисоби бошқарувнинг янги амалий тизими замонавий «мижоз-сервер» концепцияга асосланган бўлиб, бўлим ишини оптималлаштириш имконини яратиб беради.

4. Чоп этилган илмий ишлар рўйхати

1. Султанова С.М. Автоматлаштирилган иш жойини яратиш пайтида ДАТК “Ўзбекистон темир йўллари” корхоналарида МТ танлаш // Сборник научных трудов ТашИИТа. - Ташкент, 1998.- С.64-65.

2. Султанова С.М., Зокирова Г.Т. Темир йўл транспорти иқтисодиети долзарб муаммосига оид // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида банк тизимини такомиллаштириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. 25.06. 2001 й.- Тошкент, 2001, 173-174 бетлар.

3. Султанова С.М. Моделирование влияния факторов производства на выручку //IV Международная научно-практическая конференция «Безопасность движения поездов», 24.04.2003 г. - М.:, 2003, С.50-52.

4. Султанова С.М. Статистическая модель определения размера прибули с элементами оптимизации //IV Международная научно-практическая конференция «Безопасность движения поездов», 24.04.2003 г. - М.:, 2003, С.52-53.

5. Султанова С.М. К вопросу автоматизации управления хозяйственно-финансовой деятельности железных дорог // XVI Международные Плехановские чтения, 26.04.2003 г. – М.:, 2003, С.53.

6. Ирматов М.И., Султанова С.М. Прогнозирование финансовых показателей с использованием макроэкономических моделей // МНПК «Иқтисодчи кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлашда ахборот-коммуникациялар технологиялари», 15-16.05.2003 г. – Ташкент, 2003. С.107-109.

7. Закирова Г.Т., Султанова С.М. Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш. // Хозирги шароитда бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудитнинг услубияти ва усулларни такомиллаштириш. Ўзбекистон Республикаси илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами. 28.05.2004.- Ташкент, 2004 , 81-82 бетлар.

8. Султанова С.М, Ташмурадов Т.Т. Солиқ ҳисобини темир йўл транспорти тармоқларида автоматлаштириш йўллари // Хозирги шароитда бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудитнинг услубияти ва усулларни такомиллаштириш. Ўзбекистон Республикаси илмий-амалий анжумани маърузалар туплами. 28.05.2004.- Ташкент, 2004 , 87-88 бетлар.

9. Султанова С.М. Применение электронной тарифной системы в бухгалтерском учете на предприятиях железнодорожного транспорта // XVIII Международные плехановские чтения 26.03.2005 г.– М.:, 2005. С.200-201.

10. Султанова С.М., Игамбердиева К.Э. Темир йўл транспорти корхоналарида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг услубий жиҳатлари //«Иқтисодиёт ва таълим» журнали – Тошкент, 2005, 4-сон, 38-41 бетлар.

11. Султанова С.М. Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришнинг имитацион модели //«Иқтисодиёт ва таълим» журнали. – Тошкент, 2006. 1- сон, 132-135 бетлар.

РЕЗЮМЕ

диссертации Султановой Сони Махмудовны на тему «Исследование и совершенствование информационных систем бухгалтерского учета» (на примере ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари») на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности

08.00.14 – «Информационные системы и технологии в экономике»

Ключевые слова: предприятие, управление, структурная реформа, информационное обеспечение, информационно-коммуникационные технологии, интегрированная информационная система бухгалтерского учета, моделирование, эффективность, сводная отчетность, модель, прогноз.

Объект исследования: существующая информационная система и технология ведения бухгалтерского учета в структурных подразделениях ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари».

Цель работы: научное, теоретическое и методическое обоснование использования интегрированной информационной системы бухгалтерского учета и информационно-коммуникационной технологии в современных условиях реформирования организационной структуры управления железнодорожного транспорта.

Методы исследования: экономико-статистический анализ, системный подход, экономико-математическое моделирование, корреляционный анализ и прогнозирование.

Полученные результаты и их новизна: в целях эффективного управления отрасли обобщены проблемы внедрения интегрированной информационной системы бухгалтерского учета; определены цели и задачи, обоснованы формы и направления совершенствования; на основе проведенного исследования ряда динамики основных объемных и финансовых показателей работы отрасли произведен расчет коэффициентов корреляции и рассчитаны их прогнозные значения на среднесрочную перспективу; исследована и усовершенствована методика создания интегрированной информационной системы бухгалтерского учета; разработана методика выбора критериев оценки интегрированной информационной системы бухгалтерского учета на принятие управленческого решения.

Практическая значимость: применение на практике предлагаемой методики подготовки сводных форм бухгалтерской отчетности и на этой основе расчет финансовых показателей для их экспресс-анализа позволяют проводить анализ и количественную оценку эффективности развития отрасли.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования приняты для внедрения Управлением финансов и бухгалтерского учета ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» в целях использования при проведении структурной реформы. Результаты исследования внедрены в производственно-хозяйственную деятельность структурных предприятий ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари». Использование и применение указанных методик позволило получить годовой экономический эффект в размере 190 млн. сум, а также повысить производительность труда бухгалтеров-пользователей.

Область применения: методика построения многофакторной корреляционной модели может быть использована в управленческих структурах транспортных предприятий. Программный модуль «Сводная отчетность» может быть применен в целях совершенствования технологии ведения бухгалтерского учета, подготовки бухгалтерской и финансовой отчетности.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
Соня Махмудовна Султанованинг 08.00.14 –« Иқтисодиётда ахборот тизимлари
ва технологиялари» ихтисослиги буйича
««Бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизимларини
тадқиқот қилиш ва такомиллаштириш»
» («Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК мисолида)
мавзусидаги диссертациясининг**

Р Е З Ю М Е С И

Таянч (энг муҳим) сузлар: корхона, бошқариш, тузилмавий ислохатлар, ахборот таъминоти, ахборот-коммуникация технологиялари, бухгалтерия ҳисобининг интеграциялашган тизимлари, моделлаштириш, самарадорлик, умумлаштирилган ҳисобот, модел, башорат қилиш.

Тадқиқот объекти: Асосий фаолият тури юк ва йўловчилар ташиш билан шуғулланаётган «Ўзбекистон темир йўллари» тузилмавий корхоналари.

Ишининг мақсади: Темир йўл транспортида бошқарув ташкилий тузилмасининг замонавий шароитларда ислохатлашда бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш технологиясини назарий ва услубий жиҳатларни ўрганиш.

Тадқиқот усули: тизимли ёндашув, статистик таҳлил, истиқболлаш ва иқтисодий-математик усуллар.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришда келтирилган шакл ва йўналишларнинг таҳлили, улар молиявий-ҳўжалик фаолиятини ва транспорт тизимини ишлатилишни мустаҳкамлигини ошириш омилларини ҳисоблаш; «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларининг динамика катори маълумотлари асосида ўртача муддатли кўрсаткичларининг башорати ҳисобланган; бухгалтерия ҳисоби автоматлаштиришнинг асосий иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун ҳозирги услубияти ҳисоблари асосида кўрсаткичларининг мақсадли сараланиш бажарилган; темир йўл транспортида бухгалтерия ходимлар ишини оптималлаштириш мақсадида «мижоз-сервер» концепцияси бўйсунган ҳолда бошқарув ва молиявий ҳисобининг мажмуавий тизими изланилган ва такомиллаштирилган услубияти ташкил этилиши тақлиф этилди.

Амалий аҳамияти: Бухгалтерия ҳисоботларининг умумлаштирилган шакллари тайерлашда тақлиф қилинаётган услубияти амалиётга киритиш ҳамда экспресс-таҳлил учун қулланиётган молиявий кўрсаткичлар автоматлаштирилган ҳисоблари тармок молиявий ресурсларини бошқаришда самаравий тадбирларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Тадбик этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Олинган илмий натижалардан барча турдаги ҳўжалик корхоналар бошқарувида бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш технологияларини самарали қўллашда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқот натижаларининг айрим ҳолатлари кампания фаолиятига тадбик этилган. Юқоридаги тақлиф қилинган ёндашувларни корхоналарда бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш технологияларидан фойдаланиш жараёнларда йиллик иқтисодий самарадорлик 190 млн.сумни ташкил этди.

Қўллаш соҳаси: Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштирилган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг модели, тамойили, ёндашув ва технологияларидан корхоналар фаолиятида самарали фойдаланиш масалаларини ҳал этишда қўлланилса бўлади.

Resume

Thesis of Sonja Sultanova on the academic degree competition of the candidate of economic sciences, specialty 08.00.14 – « Information systems and technologies in economics», of the dissertation work on subject:
«Research and perfection of information systems of book keeping
(on example of State joint-stock Railway Company “UZBEK RAILWAYS”)»

Key word: enterprise, of book keeping information system, Realization on a railway transportation of the structural reform, demands change not only structure, but also methods of management, functioning, imitation model, integer system.

Subjects of the inquiry: A basis of process of coordination and optimization of industrial in branch industrial, technological and financial processes are introduction of information technologies and a computerization of book keeping and the reporting which become the major factors of stable work of branch and allowing successfully to compete in the market of transport services. In these conditions increase of an overall performance of branch directly is connected to perfection of technological process of conducting book keeping, preparation of the accounting and financial reporting.

Aim of the inquiry: Automation of book keeping at the enterprise and preparation of the duly financial reporting in conditions of market economy of Republic Uzbekistan is one of the most important problems of efficient control the enterprise.

The results achieved and their novelty: The generalized registration data reflecting economic operations, made in the accounting period, are determined now later 10-15 days after the accounting period that complicates duly influence of controls on manufacture with the purpose of more rational use labor, material and financial resources.

Practical value: The urgency of the executed dissertational research is proved, his{its} purposes and a problem, a subject and object of research are determined, scientific novelty of work, its theoretical and methodological bases, and also practical value of the received results is opened.

Degree of embed and economical effectivity: the general characteristic of a registration policy of branch is given, the analysis of a modern condition of book keeping and the modern approach to his automation in conditions of reforming is made. The analysis of a supply with information of the automated system of book keeping is resulted, and also the concept of imitating modeling and forecasting of industrial - financial activity of branch is proved.

Sphere of usage: Recommended models, principles, approaches and the estimation of efficiency of functioning of the automated workplaces of bookkeepers - users is proved many criteria's, results of an estimation of efficiency of introduction of the automated system of book keeping are resulted.